

"FARG'ONA SUV TA'MINOTI"	
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN	
JAMIYATI	
* * *	
BESHARIQ TUMAN	
BO'LIMI	
<u>№</u>	<u>36</u>
<u>2022-y</u>	<u>26.10</u>
150300, Sirdaryo ke'chasi 9-uy	

"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фаргона вилоят худудий бошқармаси бошлиги Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Бешарик тумани Кўркам МФЙ Гулистон, Нурзиё, Ғалаба кўчалари худудида яшовчи 953 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қўйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Бешарик тумани Кўркам МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 95 м³ хисобланиб, уланиш нуқтаси.1 Кўркам МФЙ худудидаги, Гулистон, Нурзиё, Ғалаба кўчалари худудига 1 км.Д-76 мм.ли полиэтилен қувурда ичимлик суви тармоғи тортиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха қувватидан келиб чикиб 1 дона ичимлик сув минораси, автоматик ўчириб ёкиш ускунаси (поплавок) ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш.

Уланиш нуқтаси.2 Кўркам МФЙ Гулистон, Нурзиё, Ғалаба кўчалари худудидаги мавжуд калодец дан (кувур материали-поэлетилен,чугун,темир,азбец) бўлган диаметри Ø(76-300) атмосфера босими 0.4 ATM қувурдан лойиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан узунлиги 1 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равища амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошка мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хulosса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқишида тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиши ва давлат экспертиза хulosалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят "Фаргона сув таъминоти" МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета хужжатлари "Фаргона сув таъминоти" МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар "Фаргона сув таъминоти" МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

"Фаргона сув таъминоти" МЧЖ Бешарик
Туман бўлими раҳбари:

"Фаргона сув таъминоти" МЧЖ Бешарик
Туман бўлими бош мухандиси в.в.б:



У.Тошқўзиев

А.Жалилов